

#### 74. ХОДИМЛАР БЎЛИМИ ИНСПЕКТОРИ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, модемограмма ва телефонограммаларини ижросини таъминлаш;
- Юқори ташкилотлардан бўлимга кирувчи хужжатларни алоҳида дафтарда қайд этилиш ва ижросини таъминлаш бўйича тегишли маълумотларни электрон базасини яратиш;
- Профессор-ўқитувчилар, маъмурий бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимлар хақидаги маълумотларини ариза, меҳнат шартнома, буйруқдан кўчирмаларни шахсий йиғма жилдларига тикиб бориш;
- Бўлим бошлигининг қонуний топшириқларини бажариш;
- Профессор-ўқитувчилар ва бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг шахсий йиғма жилдларини ва улардаги мавжуд хужжатларни расмийлаштиришда иштирок этиш;
- Ўриндошлик асосида ва бир неча касб ва лавозимда ишловчи профессор-ўқитувчи ва ходимлар рўйхатини қоғоз шаклини яратиш;
- Профессор-ўқитувчилар, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг ишдан озод бўлган Т-2 карталари ва шайсий йиғма жилдларини архивга топшириш учун тикиш;
- Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

**Билиши керак:**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва вазирликларнинг буйруқлари, топшириқлари, маҳаллий ҳокимият органларининг Қарорларини ҳамда Низом, йўриқномалар ва меъёрий хужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини билиши.

**Малака талаблари:**

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

**Классификатор бўйича:**

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1315.	Ходимлар бўйича инспектор	3423	М	Ўрта-махсус	3240100, 3330200